



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI**

**CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“11” август 2021 й. № 02-06/3841

**Оммавий ахборот воситалари,
ташки реклама объектлари
(конструкциялари) эгалари,
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони*).

Агентлик томонидан реклама ахборотларини тарқатишда (жойлаштиришда) амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари олиб борилмоқда.

Сўнгги вақтларда аксарият йирик савдо тармоқлари томонидан маиший техника, электроника товарлари ва кийим кечаклар савдосини оширишга қаратилган чегирмалар ташкил этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчилар ўртасида катта қизиқишга сабаб бўлмоқда ҳамда бундай тадбирларга уларнинг эътибори ортиб бормоқда.

Хусусан, товар (маҳсулот), иш ва хизматларнинг реклама ахборотларида “**ҳақиқий чегирма**”, “**VIP чегирма**”, “**супер чегирмалар**”, “**MEGA чегирма**”, “**энг қайноқ чегирма**”, “**мисли кўрилмаган чегирмалар**” ва бошқа шу каби бўрттирувчи ва ноаниқ иборалардан кенг фойдаланилмоқда.

Бунда, реклама ахборотларида чегирмалар миқдори тўғрисида аниқ, тўғри ва тушунарли бўлган маълумотларни тақдим этилмаслиги/яшириб кетиши натижасида истеъмолчиларни товар (иш, хизмат) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олишга доир ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин.

Дарҳақиқат, бу ҳолатга аниқлик киритилишидан рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиш мумкин бўлган ҳолатларни олдини олишга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: MW47076417

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (*13-модда*).

Юқоридагиларга асосан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, реклама берувчи ва тарқатувчилар томонидан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик таъминланишига қатъий амал қилишлари, рекламадан фойдаланувчиларга зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда фаолият юритишлари ва энг асосийси истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни реклама воситаларида тарқатмаслик сўралади.

Директор ўринбосари



А.Қурбонов

*Ижр: А.Ахмедов
Тел: 71 2074600 (318)*